



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 219 (12.030)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Кеча «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Ипак йўлидаги сайёҳлик — 2011» 17-Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси иш бошлади.

«Ўзбектуризм» Миллий компанияси, «TNT Экспр» кўргазмалар компанияси ва «Буюк Ипак йўли» реклама агентлиги ҳамкорликда мазкур нуфузли ярмаркани кўнгилдагидек ўтказиш учун ташкилий ишларни амалга оширишди.



Кўргазмалар

САЙЁҲЛИК РИВОЖИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

ланган сайёҳлик инфратузилмасини, яъни замонавий меҳмонхоналар, давр талабларига жавоб бера оладиган меҳмонхона сервиси, қамрови тобора кенгайиб бораётган сайёҳлик хизматларини ўзида мутасам этган салоҳиятли мамлакат ҳамдир, — дейди биз билан суҳбатда «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Рустам Мирзаев. — Кўплаб сайёҳлар Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилишни маълум қўришлари беҳиз эмас. Масалан, 2010 йили юртимизга 1,3 миллион нафардан зиёд сайёҳ ташриф буюрган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярмида сайёҳлик хизматлари кўрсатиш ҳажми 27 фоизга ошганлиги фикримиз далилидир. Шунингдек, мазкур соҳада иш олиб борадиган янги хўжалик субъектлари сони ҳам тобора ортмоқда. Бугунги кунга келиб мамлакатда 782 та сайёҳлик қорхонаси, 294 та меҳмонхона ҳамда қарийб 450 туроператор самарали фаолият юритмоқда. Айтиш жоизки, Мустақиллигимиз шарофати билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси рейслари йилдан йилга ортиб бормоқда, яқиндагина «Афросиёб» тезорар поёзди — жаҳон андозалари даражасидаги темир йўл транспорти сайёҳлик тизими ривожига муносиб ўрин эгаллади, деб айтиш мумкин.

Ушбу «Ипак йўлидаги сайёҳлик» ярмаркасини айланар эканмиз, сайёҳлик — барқарор тараққиётнинг муҳим омилларидан бири, яъни у аҳоли ҳаёт даражасининг юксалишига, қўшимча иш ўринлари

яратилишига, халқаро муносабатларнинг мустақамлланишига кўмаклашишига яна бир бор амин бўлдим. Мамлакатимизда сайёҳлик салоҳиятидан энг юқори даражада самарали фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи доирасида ташкил этилган мазкур анжуман кўтилган натижаларни беради, албатта. Ярмаркада Франция, Ҳиндистон, Чехия, Бирлашган Араб Амириклари, Россия Федерацияси, Хитой, Исроил, Туркия, Миср, Тожикистон, Қозғоғистон, Туркменистон, Малайзия ва бошқа мамлакатлардан келган чет эллик туроператор чиройли жиҳозланган стендлари билан иштирок этмоқда.

Сайёҳлик ярмаркаси доирасида аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган бизнес учрашувлар, турли тақдиротлар ташкил этилади. Тадбирда илк бор «Буюк Ипак йўли» деб номланган сайёҳлик фотографиясининг очик танлови ҳам ташкил этилди. Туташ ҳудудларда «Миллий ошона фестивали», «Хунармандлар шаҳри», «Шарқ бозори» каби бир бирдан қизикарли экспозицияларнинг иши ташкил этилган. Бундан ташқари, «Ўзбекгенгилсаноат» ДАК ҳузуриндаги «Дизайн маркази» томонидан модалар кўрмигида миллий либослар нафосатидан нафақат иштирокчилар, балки ташриф буюрувчилар ҳам завқланишига муваффақ бўладилар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Ташкилотчилар томонидан ўтган йил таърибига кўра экспонентлар учун қулай иш шароитлари яратиш мақсадида «Ўзбекистон миллий павильони» ва «Халқаро павильон» ташкил этилди. Мазкур сайёҳлик анжуманига дунёнинг 31 мамлакатидан келган 500 дан зиёд хорижий сайёҳлик компаниялари ва 100 га яқин хорижий журналистлар ташриф буюришди.

Шу ўринда айтиш жоизки, яқинда Жанубий Кореяда Ўзбекистон БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг ижроия кенгаши аъзолигига қабул қилинди. Бу, ўз навбатида юртимиз сайёҳлик соҳаси иқтисодий ёнбегини энг илҳом ривожланиб бораётган жабҳаларидан бирига айланганидан ёрқин далolatдир. Буюк Ипак йўли марказида жойлашган юртимизда тўрт мингдан зиёд таърихий меъморий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, мамлакатда буюк аждодларимизнинг бебаҳо моддий ва маънавий мероси кўз қорачигидек сақлаб келинади. Айниқса, асосий сайёҳлик марказлари ҳисобланган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳриабзда жойлашган кўҳна ёдгорликлар ЮНЕСКО умумжаҳон мероси рўйхатига киритилгани яна бир бор халқаро эътирофга сазовор бўлди.

«Ўзбекистон — нафақат қадимий меъморий обидаларга, гўзал табиат, халқининг бой маданиятига эга булган табаррук ўлка, балки юқори даражада ривож-

Пойтахтимизда 2 ноябрь куни бошланган «Ипак йўлидаги туризм-2011» XVII Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида ўнлаб мамлакатлардан беш юздан зиёд фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этмоқда. ЎЗА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Шоу Кван ФУ, «Mandarin Tours» компанияси директори (Хитой):

— Ўзбекистон ҳақида кўп эшитганман. Бу ерга келиб, ушбу бетакрор замин ҳақидаги таассуротларим янада бойи. Ўзбекистон — гўзал ва тарихий обидаларга бой мамлакат. Шу боис бошқа давлатлар сингари Хитойда ҳам унга қизиқиш жуда катта.

Ярмарка доирасида Ўзбекистон сайёҳлик бозори билан батафсил танишиш, янги алоқалар ўрнатиш имконига эга бўлаётганимиздан мамнунимиз. Сайёҳлик соҳасида Ўзбекистон компаниялари билан ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдоримиз.

Элеонора БАККАНТЕ хоним, «Gartour» компанияси вакили (Италия):

— Ярмаркада Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби қадимий шаҳарлари, у ердаги ноёб тарихий ёдгорликлар, бетакрор обидалар, муқаддас қадимжолар акс этган экспонатлар, фото ва ви-

деороликлар бизда фоят катта қизиқиш уйғотмоқда.

Халқингизнинг меҳмондўстлиги ва очик кўнгиллиги, ўзига

лигида мамлакатимизда ички туризм ҳам изчил ривожланмоқда. Турли вилоятлардан Андижонга саёҳатта келувчилар

сони кўпайиб, вилоятимиз аҳолисининг ҳам Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Термиз каби қадимий шаҳарларимизга саёҳатини уюштиряймиз. Мамлакатимизда сайёҳликнинг жумладан, ички туризмнинг ривожланиши янги иш ўринлари очилиши, иқтисодий тизимнинг ва халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилади.

— Шунингдек, мазкур соҳада иш олиб борадиган янги хўжалик субъектлари сони ҳам тобора ортмоқда. Бугунги кунга келиб мамлакатда 782 та сайёҳлик қорхонаси, 294 та меҳмонхона ҳамда қарийб 450 туроператор самарали фаолият юритмоқда.

Айтиш жоизки, Мустақиллигимиз шарофати билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси рейслари йилдан йилга ортиб бормоқда, яқиндагина «Афросиёб» тезорар поёзди — жаҳон андозалари даражасидаги темир йўл транспорти сайёҳлик тизими ривожига муносиб ўрин эгаллади, деб айтиш мумкин.

Ушбу «Ипак йўлидаги сайёҳлик» ярмаркасини айланар эканмиз, сайёҳлик — барқарор тараққиётнинг муҳим омилларидан бири, яъни у аҳоли ҳаёт даражасининг юксалишига, қўшимча иш ўринлари

яратилишига, халқаро муносабатларнинг мустақамлланишига кўмаклашишига яна бир бор амин бўлдим.

Мамлакатимизда сайёҳлик салоҳиятидан энг юқори даражада самарали фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи доирасида ташкил этилган мазкур анжуман кўтилган натижаларни беради, албатта.

Ярмаркада Франция, Ҳиндистон, Чехия, Бирлашган Араб Амириклари, Россия Федерацияси, Хитой, Исроил, Туркия, Миср, Тожикистон, Қозғоғистон, Туркменистон, Малайзия ва бошқа мамлакатлардан келган чет эллик туроператор чиройли жиҳозланган стендлари билан иштирок этмоқда.

Сайёҳлик ярмаркаси доирасида аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган бизнес учрашувлар, турли тақдиротлар ташкил этилади. Тадбирда илк бор «Буюк Ипак йўли» деб номланган сайёҳлик фотографиясининг очик танлови ҳам ташкил этилди.

Туташ ҳудудларда «Миллий ошона фестивали», «Хунармандлар шаҳри», «Шарқ бозори» каби бир бирдан қизикарли экспозицияларнинг иши ташкил этилган. Бундан ташқари, «Ўзбекгенгилсаноат» ДАК ҳузуриндаги «Дизайн маркази» томонидан модалар кўрмигида миллий либослар нафосатидан нафақат иштирокчилар, балки ташриф буюрувчилар ҳам завқланишига муваффақ бўладилар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Нгуен Танх БИHX, «BT-Travel» компаниясининг бошқарувчи директори (Вьетнам):

— Компаниямиз кўп йиллардан буён сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Меҳмонларнинг аксарияти МДХ ва Европа мамлакатларидан ташриф буюради. Ана шу сайёҳлар орасида Ўзбекистон фуқаролари сонининг ошаётгани жуда қувончлидир. Сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга Ўзбекистон билан алоқаларимизни янада мустақамлашдан манфаатдоримиз.

Муқаддас ҒОҒУРОВА, «Travelite» компаниясининг Марказий Осиё ва Кавказ давлатларидаги вакили (Ҳиндистон):

— Сайёҳлик соҳасида фаол иш юритаётган компаниямиз сайёҳларга уч йўналиш — экскурсия, соҳилбўйи бўйлаб дам олиш ва соғломлаштириш бўйича хизмат кўрсатади. Сўнгги уч йил мобайнида Ҳиндистондан Ўзбекистонга, Ўзбекистондан Ҳиндистонга саёҳат қилувчилар сони олтинмиш фоиз ошди. Айниқса, Ҳиндистонлик сайёҳларнинг Ўзбекистоннинг гўзал табиатига, бой тарихига, ранг-баранг урф-одатларига қизиқиши жуда катта.

Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА эзиб олди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ОЛМАЗОР** туман ҳокимлиги, туман прокуратураси ташаббуси билан «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида Қурилиш ва миллий

хунармандчилик касб-ҳунар коллежида «Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши, «Shine-Art» бадий уюшмаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Poytaxt Navro'z taom savdo» («Наврўз ресторани»)да «Ўзбекистон хал-

қининг тарихий либослари» номли кўғирчоқлар кўргазмаси ташкил этилди. ✓ **МИРБОД** туман ҳокимлигида ўтган 9 ой ақунларига бағишланган фаолларнинг ҳисобот йиғилиши ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллик байрами тадбирлари доирасида Буюк Британияда Ўзбекистон тарихига бағишланган семинар бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонаси ва Британия - Ўзбекистон жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда Британия парламенти, ташки сиёсат маҳкамаси, экспертлар ва ишбилармон доиралар, олий ўқув юрлари вакиллари ҳамда Британия - Ўзбекистон жамиятининг аъзолари иштирок этди.

Мамлакатимиз дипломатия ваколатхонаси раҳбари ўз сўзида Ўзбек халқи эга бўлган ноёб тарихий мерос мавзусига тўхталар экан, юртимиз жаҳон маданиятининг тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшганини алоҳида қайд этди.

Тарихдан маълумки, Шарқ ва Ғарб цивилизациялари кесилган чорраҳада жойлашган заминимиз кўп асрлар давомида муҳим аҳамият касб этган ҳудуд ҳисоблангани ҳолда буюк империяларнинг, жумладан, Бақтрия, Сўғдиёна ва Исқандар Зулқарнайн салтанатларининг тараққиёти ва инкирозига гувоҳ бўлган.

Учрашувда мамлакатимиз мустақиллиги кўлга киритгани шарофати билан тарихий фани муносиб даражага кўтариш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилгани таъкидланди.

Тарихий тадқиқотлар олиб борилишида олимларнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани ва рағбатлантирилгани ўзбек халқи тарбиялаб етиштирган олим ва мутафаккирлар нафақат минтақа, балки бутун жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссасининг теран идрок қилинишига, шунингдек, тадқиқотлар сифатининг ошишига кўмаклашди.

Бунда бугунги авлодга қадар мозий солномаларининг етиб келишида Европа вакиллари, хусусан, Марко Поло ва Руи Гонсалес де Клавихо сингари тарихий шахсларнинг хизмати катта эканлиги алоҳида тилга олинди.

Тадбир чоғида Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми, Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг Осиё ва Яқин Шарқ тадқиқотлари факультети томонидан шу йил 18 октябрдан эътиборан Кембриж университетидан ўзбек тилини ўрганиш курслари иш бошлагани маълум қилинди.

Семинарда Кембриж университетининг профессори Чарлз Мелвиллнинг Урта Осиё тарихи мавзусига бағишланган бош маърузаси иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди. Тингловчиларнинг асосий эътибори ўзбек халқининг буюк бобокалонлари — инсоният тарихида қудратли салтанатга асос солган Амир Темур, жаҳондаги илк расадхона ва юлдузлар харитасини яратган Мирзо Улуғбек, Бобурийлар салтанатига асос солган Заҳриддин Муҳаммад Бобур, дунё тиббиёт фанининг отаси Абу Али ибн Сино ҳамда бошқа улуг олим ва мутафаккирларимиз ҳақидаги тарихий маълумотларга қаратилди. Улар қаторида Ислам цивилизациясининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган Имом ал-Бухорий номи ҳам алоҳида тилга олинди.

Таъкидлаш жоизки, тадбир савол-жавобларга жуда бой бўлди. Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган Ўзбекистон тарихига оид саволларига батафсил жавобларни олишлари баробарида маданиятлараро мулоқот мустақамлланиши ишига ўзбек халқи қўшаётган муносиб ҳисса ҳусусидаги фикр-мулоҳазаларини ҳам билдирдилар.

«Жаҳон» АА Лондон

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқанддаги Ёшлар марказида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганиш ва кенг тарғиб этишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда тарихчи ва сиёсатшунос олимлар, маънавий тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда «Музейлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг Андижон вилоятидаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил ақунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, «Ўзбекмузей» жамғармаси, Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси, Андижон вилояти ва туманлари ҳокимликлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

• Фарғона вилоятида иссиқхоналар ташкил этиш, шу орқали аҳоли дастурхонига йил давомида арзон ва сифатли мева-сабзавотлар етказиб беришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан маълум қилишларича, айни пайтда шаҳар ва туманларда уч юздан ортиқ иссиқхона фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, ўтган йили 40 гектар майдонда 120 дан зиёд иссиқхона ташкил этилди. Бугунги кунда Фарғонадаги ўндан ортиқ касб-ҳунар коллежларида ҳам иссиқхоналар фаолияти йўлга қўйилган. Жорий йилда Фурқат туманидаги ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи ҳам ўз иссиқхонасига эга бўлди. Уни қуриб ишга туширишда «Қудратилло», «Аҳмаджонов Доғий» фермер хўжаликлари ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Айни кунларда 4 сотихли ушбу иссиқхонада бодринг ва лимон етиштирилмоқда.

• Хатирчи туманидаги «Зарафшон» фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида замонавий қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 192 миллион сўмлик ушбу шифо маскани «Навоийтрест-2000» қорхонаси бунёдкорлари томонидан барпо этилди. Ҳозир 26 миллион сўмлик тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган ҚВПда саккиз мингдан зиёд аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг шимоли-шарқий қирғоқларида ёққан қалин қор айни пайтгача саккиз кишининг ҳаётига зомин бўлди. Мамлакат тарихида биринчи бор кузатилаётган бундай ёғингарчилик йирик аҳоли пунктлари инфратузилмасига ҳавф солмоқда. Айрим штатларда қор қалинлиги бир метргача етади. Электр, газ узатиш ва иситиш тизимларига жиддий талафот етган. Қўчаларда транспорт ҳаракати тўхтаб қолган, ҳаво ва темир йўл қатновлари вақтинча бекор қилинди.

• Европада ўсиш суръатлари сезиларли даражада пасайиши мумкин. Бу ҳақда иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти маълум қилди. Мазкур маълумотда Евроҳудудда ЯИМ ҳажми жорий йилда 1,6 фоизни ташкил этиши келтириб ўтилган. Келгуси йилда эса бу кўрсаткичнинг яна 0,3 фоизга пасайиши башорат қилинмоқда. Экспертлар Европадаги айрим мамлакатлар, хусусан, Грециянинг молиявий инкирозни бошдан кечириётгани ҳудуддаги умумий иқтисодий барқарорликка таъсир кўрсатаётганини таъкидлашмоқда.

• Таиландда узоқ кунлардан буён давом этаётган сув тошқинлари ниҳоят тинди. Мамлакатда табиий офатдан зарар кўрган ҳудудларга ёрдам бериш учун сафарбарлик эълон қилинди. Таиланд шимолидаги вилоятлар аҳолиси тошқиндан, айниқса, кўпроқ жабр чеккани айтилмоқда. Мазкур провинциялардаги фермерлар турар-жойларини тиклашда қийинчиликларга дуч келишмоқдалар. Кишилар яшаш жойларига турли судралиб юрувчи ҳайвонлар қуруқ ҳоли излаб ёпирилишмоқда. Маҳаллий аҳоли қутқариш, тозалаш гуруҳларининг пойтахт Бангкокка жалб этилиб, қолган ҳудудлар эътибордан четда қолаётганидан норози бўлмоқда. Маълумотларга қараганда, тошқин талафотларини бартараф этиш учун бир неча миллиард доллар керак бўлади.

• Келгуси йилнинг 1 июлидан эътиборан Россия Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожланиш вазирлиги тақлифига биноан сотувга чиқарилган сигарет қутиларига ўлим ва ҳалокатни намойён этувчи қўрқинчли суратлар босилади. Вазирлик қошидаги тамаки чекишига қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида бу тақлиф маъқулланди.

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Миробод туманидаги Саноат касб-ҳунар коллежида ўқувчи-ёшлар иштирокида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» мавзусида учрашув ўтказилди.

Таъкидлаш ўринлики, мамлакатимизнинг истиқлол шарофати билан 20 йил давомида эришган ютуқлари ва амалга оширилган турли соҳадаги ислохотлар, хусусан, тарихан қисқа бир даврда эл-юртимизнинг хоҳиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона меҳнати эвазига жаҳон харитасида янги ўз кучи ва салоҳиятига таянган, суверент Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, аввало, халқимизнинг тарихий ғалабаси эканлигини далolat-дир.

Тадбирда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг асосида яратилган «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунлар моҳияти муҳокама қилинди. Шунингдек, ўқувчи-ёшлар иштирокида экологик маданият, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар борасида кўргазмалар чиқишлар намойиш этилди.

— Мамлакатимизда жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номлангани ва бу борада алоҳида Давлат дастурининг қабул қилиниши юртимиз тадбиркорларининг эркин фаолият юритишлари учун айна

муддао бўлди, — дейди «Туркистон пресс» муҳбирига коллежнинг 3-бо-сқич ўқувчиси Дониёр Назаров. — Билим даргоҳида ўтиладиган мах-сус машғулотларда биз ёшларга ўз тадбиркорлик фаолиятимизни тўғри йўлга қўйиш, кичик бизнес ва оилавий касаначилик ишлари борасида атрофлича маълумот бе-рилади. Айниқса, бугунги тадбирда соҳа мутахассисларидан мам-лакатимизда янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг бандлик дара-жасини ошириш ва турмуш фаро-вонлигини юксалтириш, ёшларни иш билан таъминлаш, тадбиркор-лик фаолиятини кенгроқ йўлга қўйиш борасида зарур йўналиш-лар берилди. Келажакда энгил са-ноат маҳсулотлари ишлаб чиқара-диган хусусий компания очиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирганман.

Адлия вазирлиги томонидан яратилган фильмлар намойиши тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Хусусан, «Мен буюк ва муқаддас Ватан фарзандиман» деб номланган махсус фильмнинг ёшларда ватанпарварлик ва фидойи-лик туйғуларини янада юксалтири-шига асос бўлиб хизмат қилиши шуб-ҳасиз.

Тадбир якунида иштирокчилар ора-сидан «Ҳуқуқ билимдонлари» аниқ-ланиб, уларга Адлия вазирлигининг фахрий ёрликлари ва эсдалик со-вғалари топширилди.

Азима ҚИЁСОВА

Темурийлар тарихи Давлат музейида музей фаолиятининг 15 йиллигига бағишланган катта маънавий- маърифий тадбир ва илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманлар ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Маълумки, ушбу му-зей соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига тўёна си-фатида Вазирлар Мах-камасининг 1996 йил 14 мартдаги қарори асоси-да ҳамда Президентимиз ташаббуси билан 1996 йил 18 октябрда катта тантана билан очилган эди. Мана 15 йилди-ки, Темурийлар тарихи Давлат музейи ўз фа-олиятининг ранг-ба-ранглиги, яъни тари-хий, моддий ва маъ-навий ёдгорликларни тўплаш, ўрганиш, тар-ғиб қилиш ишларини бажарувчи маскан си-фатидагина эмас, бал-ки бир қатор мавзулар доирасида олиб бора-ётган илмий ишлари билан ҳам жамоатчи-ликка танилиб бормоқ-да. Айтиб ўтиш жоиз-ки, Амир Темур ва те-мурийлар даври Ўзбе-кистон тарихи саҳифа-ларида энг шукӯҳли ва қудратли давр ҳисоб-ланади. Бу даврнинг маънавий ва моддий маданияти инсоният тамаддунининг ёрқин саҳифаларидан бири-га айланди. Илм-фан, меъморчилик, тасви-рий ва амалий санъ-ат, адабиёт, шеърят, мусиқа санъати юксак даражада тараққий этиб, ўз навбатида «Темурийлар Ренес-анси» сифатида шух-рат қозонишига сабаб бўлди.

Анжуманда сўз ол-ган Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш. Солиҳов, Тему-рийлар тарихи Давлат музейи директори Н. Ҳабибуллаев ва бошқалар Юртбошимиз бошчилигида буюк аж-додларимиз хотираси-ни эъозлаш, тарихи-мизни чуқур ўрганиш ҳамда келгуси авлод-ларга тақдирини ало-ҳида эътибор қарати-лаётганини таъкид-лаб ўтдилар. Соҳибқи-рон бобомизнинг жа-ҳон илм-фани ва ма-даниятига қўшган ул-кан ҳиссасини кўрса-тиш, ўша давр тарихи-га оид тадқиқотлар олиб боришда Тему-рийлар тарихи Давлат музейининг алоҳида ўрни борлиги, ўтган вақт давомида музей-да ана шу мавзуга ба-ғишлаб ўнлаб кўргаз-ма ва анжуманлар ташкил этилгани ҳақида ҳам маълумот бериб ўтилди.

Музейимиз томо-нидан чет элларда сақ-ланаётган маданий ёдгорликларни юрти-мизга қайтариш, улар-нинг нусхаларини яра-тиш борасида ҳам бир қатор ишлар олиб бо-рилмоқда, — дейди му-зейнинг илмий ишлар бўйича директор ўрин-босари Сурайё Ўлжабо-ева. — Байрам арафа-сида Санкт-Петербур-даги давлат эриятжи-да сақланаётган Мир-оншоҳ Мирзо ҳамда Гавҳаршодбегимнинг узук-муҳрларининг нус-

халари яратилиб, му-зейимизнинг олтин фондига тақдим этил-ди. Фаолиятимиз даво-мида Амир Темур ва Темурийлар тарихини мунтазам ўрганиб бо-риш билан бирга 2002 йилдан буён Амир Те-мур ва Темурийлар та-рихи ва маданиятини кенг халқ оммасига тарғиб қилиш мақсади-да ҳар икки йилда бир марта илмий-амалий конференция ўтказиб, анжуман материалла-рини тўплаш шаклида чоп этишни йўлга қўйганмиз. Мазкур тўпламлар материалла-ридан темуршунос олимлар, олий ўқув юрти талабалари, аспи-рантлар, магистрантлар ва барча қизиқувчилар фойдаланишлари мум-кин.

«Амир Темур ва Те-мурийлар даврида илм-фан ва маданият» мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжу-манда республикамиз-нинг таниқли олимла-ри, тадқиқотчилар, соҳа мутахассислари ҳамда хорижий темуршунос олимлар иштирок этди-лар. «Темурийлар дав-рида аниқ ва табиий фанлар, шаҳарсозлик», «Тарихнавислик, ада-биёт ва санъат», «Те-мурийлар даврида таъ-лим тизими ва илм-фан ривожини» мавзула-ридаги учта шўъбада ўтказилган ушбу анжу-манда Амир Темур ва Темурийлар тарихига бағишланган 50 дан зиёд илмий маърузалар тингланди.

Тадбир якунида, маърузачиларга музей-нинг эсдалик совғала-ри топширилди. Шунинг-дек, анжуман ишти-рокчилари музей экс-позицияси ва заллар-даги кўргазмалар бил-ан яқиндан танишди-лар.

Шоира МУҲАММADOVA

РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ САРИ

Телерадио эшиттиришларини техник воситаларининг бир меъёрдаги қамров доирасини камайтирмай ишлашини таъминлаш алоҳа соҳаси мутахассислари олдида турган долзарб масалалардан биридир. Бундай кенг қўламли техник жараёнларда самарадорликка эришиш йўлида «Радиолоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази» давлат унитар корхонаси томонидан жиддий изланишлар олиб борилмоқда.

Соҳадаги бу каби ишларни ривожлантириш, шунинг-дек, бошқаруви тақомиллаштириш мақсадида мазкур корхона тизимида дастлаб Сурхондарё, Навоий ва Хо-разм радио-телевизион узатиш марказлари ташкил қилин-ди.

Мустақилликнинг 20 йиллиги арафасида эса Андижон ва Қашқадарё вилоятларида янги замонавий рақамли те-левизион узаткичлар фойдаланишга топширилди. Уни-тар корхона маълумотларига кўра, қўлаб чет эллик ҳам-корлар билан алоқалар янада мустаҳкамланди. Жумла-дан, Япония компанияси билан ҳамкорликда Тошкент телеминорасида юқори қувватли лампазли телевизион узаткичлари транзисторли телевизион узаткичларига ал-маштирилди.

Телеминорага ташриф буюраётган меҳмонлар, хориж-лик сайёҳларнинг шахримизни 100 метр баландликдан томоша қилишлари учун имкон берадиган «Кузатув май-дони» қайта таъмирланиб, дунё телеминоралари ҳақида-ги макетлар ва экспонатлар жойлаштирилди. Айни вақт-да «Бутун жаҳон буюк миноралар ҳамжамияти»га аъзо бўлган давлатлар ҳақидаги музей очилди. Шунини алоҳида эслатиб ўтиш жоизки, Тошкент телеминорасида телера-дио узатиш ускуналари янги замонавий турларига ал-маштирилди.

ЁШ КИТОБХОНЛАРНИНГ ЯНГИ САЙТИ

Ўзбек китобхоналарига ажойиб совға тақдим этилди. Республика Халқ таълими вазирлиги мутасаддиликда очилган бу янги сайт «Китоб.uz» деб номланди.

Республика Болалар кутубхонаси жамоаси саъй-ҳара-кати билан йўлга қўйилган ушбу сайтда болалар учун, умуман ўзбек адабиёти бўйича янги лойиҳаларнинг ишга туширилаётгани акс этиб, ёш китобхонлар учун «Ўзбек адабиёти», «Электрон адабиётлар», «Жаҳон адабиёти», «Ривоятлар», «Лойиҳалар» ва кўплаб бошқа саҳифалар хизмат кўрсатишни бошлаб юборди. Кўчириб олиш учун электрон китоблар рўйхатлари тизилди.

Эндиликда ёш китобхонлар ўз уйида ўтириб сайт жа-вонидан ўзига керакли бўлган китобларни топиб ўқиш имкониятига эга бўлади. Бугунги кунда янги сайтнинг нодир китоблар саҳифасини тайёрлаш бўйича амалий ишлар давом эттирилмоқда. Бинобарин, «Китоб.uz» ўзбек китобхонларининг севимли сайтларидан бири энгил фа-олият кўрсатмоқда.

Тиббиёт

ТЕЗ ВА САМАРАЛИ

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам шифохонаси замонавий ёрдам машиналари ва малакали шифокорлар билан тўлиқ таъминланган. Шифохона ўндан ортиқ бўлим билан бевосита боғлиқ ҳолда тезкор фаолият юритмоқда. Бинобарин, пойтахтимизда жаҳон андозалари даражасидаги тез ёрдам хизмати шаклланди.

Кейинги йилларда 100 га яқин машина олинди. Жа-нубий Корея ҳукумати томонидан «Хундай» русумли ўндан ортиқ тез ёрдам машиналари тортиқ қилинди. Станция ўзининг ёрдамхонасига ҳам эга. Унда дори-дармонлар етарли эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Юнусобод туманидаги 6- ва 11-тиббий ёрдам бўлин-малари тўздан сифатли таъмирдан чиқарилди.

ЁРУФ ЮЗ БИЛАН

Оилаларда тиббий маданиятни шакллантиришда оилавий поликлиникаларнинг фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Пойтахтимизда намунали оилавий поликлиникалар анчагина.

30 минг аҳолига хизмат кўрсатаётган 17-оилавий поли-клиника замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жи-хозланган. Ультравуш, эндоскоп каби техника восита-ларидан ҳам фойдаланилмоқда.

«Энг намунали оилавий поликлиника» танловида голиб-ликни қўлга киритган бу жамоада физиотерапия бўлими ҳамда клиник ва биокимё лабораториялари қайтадан жи-хозланди ҳамда янги қурилмалар олинди.

АНАЛИЗАТОР АППАРАТЛАРИ

Тошкент тиббиёт академияси учинчи клиникаси Марказий клиник-биокимё лабораториясида бой тажрибалар ортирилган. Бунда лабораториянинг энг замонавий техникалар билан жиҳозланганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Тўла автоматлашган биокимё анализатори аппаратла-ри амалиётда кенг фойдаланилмоқда. Лабораторияда за-монавий аппаратларни моҳирлик билан бошқариш учун «Тажриба ва натижа» ўқув курси очилди. Касбий мақо-ратни ошириш учун марказий шифохоналар билан алоқа ўрнатилди.

Автоматлаштирилган гематологик анализатор аппара-ти ёрдамда эса қонимиз таҳлилий натижаларини аниқ-лаш учун бой тажрибалар оммалаштирилди.

Ақбар АЛИЕВ

Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Конституциямизда белгиланган меъёрларнинг амалда ўз ифодасини топаётгани мамлакатимиз тараққиётини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

Бош қомусимизда ёшлар, хусусан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ка-фолатлари мустаҳкамланган. Шу асосда мамлакатимизда ушбу мақсадга қаратилган миллий қонунчилик асослари яратилган ва мунтазам тақомил-лаштириб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде «Конституция — ҳуқуқ ва эр-кинликларимиз кафолати» мавзусида ташкил этилган анжуманда шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбирда мустақилликнинг дастлабки кунларидан жисмоний ва маънавий етуқ авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилангани алоҳида таъкидланди. Конституциямизда билим олиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқла-ри ҳимояси мустаҳкамлангани ёшлар учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Анжуманда иштирок этган талаба-ёшларга Конституция ва қонунларда ўз ифодасини топган ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига оид меъёрлар ҳамда улардан амалда фойдаланиш имкониятлари хусусида атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, миллий қонунчилигимиз-даги янгиликлар хусусида фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мутахассислари томонидан ёшларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири**

Яккасарой туманидаги 144-умумтаълим мактабида «Она тили ва адабиёт ҳамда ўзбек тили фанлари ойлиги»нинг якуний шаҳар фестивали бўлиб ўтди.

Республика Халқ таълими вазирлиги ва Тош-кент шаҳар халқ таълими бошқармаси ҳамкор-лигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, Олий ўқув юр-тларининг профессор-ўқитувчилари, «Ёш педагоглар мактаби» фаоллари, «Устоз-шогирд мактаби» тизимида фа-олият кўрсатаётган она тили ва ада-биёт фани ўқитувчилари иштирок этди.

Фестивалда бугунги кунда юртимиз-да таълим сифати ва самарадорли-гини ошириш, илгор педагогик усул-ларда дарс ўтишни йўлга қўйиш, бар-камол авлод тарбиясида она тили ва адабиёти фанининг ролини янада ошириш, уларни ўз иқтидорини намойиш этишига имконият яратиб бериш лозимлиги хусусида тўхталиб ўтилди. Аҳамиятлиси, ойлик доирасида пойтахтдаги умумтаълим мактабларида она тили ва адабиёт фанлари бўйича турли интерактив усулдаги очик дарслар ташкил қилинди, тилшунос олимлар, шоирлар, ёзувчилар билан ижодий учрашув, ада-бий кечалар уюштирилди. Шунингдек, ўқувчи-лар ойлик давомида шоир ва ёзувчиларнинг уй-музейлари, пойтахтдаги диққатга сазовор жой-лар, маданият ва истироҳат боғларига саёҳат-да бўлишди.

Ойлик давомида иқтидорли ўғил-қизларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Эр-таклар — яхшиликка етаклар», «Энг яхши ки-чик томошабин», «Бугунги кун ўқитувчиси»,

ФАН ОЙЛИГИ: МАҲОРАТ, БИЛИМ ВА ТАЖРИБА КЎРИГИ

«Энг яхши дарс ишланмаси», «Энг яхши фан хонаси» кўрик-танловлари, «Компьютер ва ин-тернет фақат билим учун» мавзусидаги акци-яси, «Мен ҳавас қилган инсон», «Оламро яго-насан, Ўзбекистон!» мавзуларида иншолар танлови ўтказилди. Эътиборлиси, ойлик баҳо-на ўқитувчи-педагог ва ота-оналар иштироки-да «Ҳар фарзандга бир ойда учта китоб» ак-цияси ташкил этилди. Русийзабон ўқувчилар учун ҳафтанинг бир кун «Ўзбек тилида сўзла-шиш кун» деб эълон қилиниши замирида эса жонажон она тилимизга нисбатан хурмат-эъти-бор, уни софлигича асраб-авайлаш ва кейин-ги ёш авлодга етказиб бериш туйғуси мужас-



сам. Асосий мақсад эса таълим самарадор-лигини янада ошириш, ижодкор педагог ва иқтидорли ўғил-қизларни кашф этиш ва улар-нинг иш тажрибасини оммалаштиришдан ибор-ратдир.

Ойликда энг яхши интерфаол усулда очик дарслар ўтиб берган бир қатор ижодкор педа-гоглар, кўрик-танлов голиблари тақдирланди.

Фестиваль якунига кўра, «Энг ижодкор ўқувчи» танловида Чилонзор туманидаги 128-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Бобур Шокиров биринчи, Сер-гели туманидаги 6-мактаб ўқувчиси Хулқар Абдуллаева иккинчи ва Мирзо Улуғбек туманидаги 205-мактаб би-лимдони Мафтуна Бойқонова учинчи ўринга муносиб топилди.

«Тадбиркорлик — ижодий маҳсули» мавзусидаги кўргазмалар кўроллари тан-ловида Яккасарой туманидаги 160-мактаб ва Миробод туманидаги 125-мактаб метод бирлашмалари голиб деб топил-ди. Ойлик доирасидаги «Энг ижодкор методист» номинациясида голиблик Мирзо Улуғбек туман-ни муассасалари фаолиятини методик таъмин-лаш ва ташкил этиш бўлимининг она тили ва адабиёт фани методисти Нодира Умаровага на-сиб этди. Шунингдек, «Устоз-шогирд» тизими-даги кенг қамровли танловда «Энг яхши устоз» номига Яккасарой туманидаги 91-мактаб ўқитув-чиси Гулчехра Маманбоева ҳамда «Энг яхши шогирд» номинациясига унинг шогирди 100-ма-ктаб педагоги Хуршида Абдуллаева муяссар бўлди.

«Туркистон-пресс»

ХАФТИЛИК ПЕРСПЕКТИВА

Давоми. Боши 3-бетда.

18.45 2011 йил-Кичик бизнес ва хукусий тадбиркорлик йили: «Ислохот олдими»... 19.00 Миллий сериал: «Умр сўмоқларда»...

10.00 13.00, 15.00, 19.00 Вести... 10.35 Миллий сериал: «Умр сўмоқларда»... 11.00 Бизнес-«Поитхат»...

9.30 «Поитхат»... 9.40 Миллий сериал: «Умр сўмоқларда»... 9.50 «Синтаксис хазинасидан»...

13.25 Понья. Простит... 13.30 «Хочу знати» с Микаилом Ширвиндом... 13.35 «Синтаксис хазинасидан»...

19.30 «Ишқомил» уш. Т/с... 19.30 «Ешик навоилари»... 20.00 «Айланай»...

06.55 «Оналик бахти» курсативи... 07.00 «Яши қайғит»... 07.30 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури...

19.00 «Дар ҳафта ичнда»... 19.30 «Ишқомил уш» Т/с... 20.00 «Айланай»...

06.30 Мумтоз навоилар... 07.00 «Форм вақти»... 07.30 «Яши қайғит»...

06.30 Мумтоз навоилар... 07.00 «Форм вақти»... 07.30 «Яши қайғит»...

ЖУМА, 11

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури... 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Кўнглим»...

6.00 «Хайри тонг!»... 6.05 «Саломат бўлинг!»... 6.10 АНОНС...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

ШАББА, 12

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури... 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Кўнглим»...

6.00 «Хайри тонг!»... 6.05 «Саломат бўлинг!»... 6.10 АНОНС...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

ЯКШАББА, 13

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури... 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Кўнглим»...

6.00 «Хайри тонг!»... 6.05 «Саломат бўлинг!»... 6.10 АНОНС...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

14.00 Сегодنا... 14.05 «Кўнглим»... 14.10 «Саломат бўлинг!»... 14.15 «Анжуман»...

ПЕРВЫЙ КАНАЛ

04.00 00.05 Телеканал «Доброе утро»... 06.00 11.00, 14.00, 02.00 Новости... 06.30 Контрольная закупка...

04.00 00.05 Телеканал «Доброе утро»... 06.00 11.00, 14.00, 02.00 Новости... 06.30 Контрольная закупка...

04.00 00.05 Телеканал «Доброе утро»... 06.00 11.00, 14.00, 02.00 Новости... 06.30 Контрольная закупка...

04.00 00.05 Телеканал «Доброе утро»... 06.00 11.00, 14.00, 02.00 Новости... 06.30 Контрольная закупка...

04.00 00.05 Телеканал «Доброе утро»... 06.00 11.00, 14.00, 02.00 Новости... 06.30 Контрольная закупка...

04.00 00.05 Телеканал «Доброе утро»... 06.00 11.00, 14.00, 02.00 Новости... 06.30 Контрольная закупка...

04.00 00.05 Телеканал «Доброе утро»... 06.00 11.00, 14.00, 02.00 Новости... 06.30 Контрольная закупка...

04.00 00.05 Телеканал «Доброе утро»... 06.00 11.00, 14.00, 02.00 Новости... 06.30 Контрольная закупка...

РОССИЯ

04.00 Утро России... 08.00 «С новым домом!»... 09.00 «О самом главном»...

04.00 Утро России... 08.00 «С новым домом!»... 09.00 «О самом главном»...

04.00 Утро России... 08.00 «С новым домом!»... 09.00 «О самом главном»...

04.00 Утро России... 08.00 «С новым домом!»... 09.00 «О самом главном»...

04.00 Утро России... 08.00 «С новым домом!»... 09.00 «О самом главном»...

04.00 Утро России... 08.00 «С новым домом!»... 09.00 «О самом главном»...

04.00 Утро России... 08.00 «С новым домом!»... 09.00 «О самом главном»...

04.00 Утро России... 08.00 «С новым домом!»... 09.00 «О самом главном»...

ТОШКЕНТ ОҚУМОИ

Бош мухаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзиллимиз: 00029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашир кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар

Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1 рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳақми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.

289 нусха босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича

турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтачига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер Назир унун масъул марказида терилди ва сақланади. Д. Исроиллов

«Шарқ» нашриёт-матбуот оқидорлиги компанияси босмахоҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Узидрометнинг мониторинг хизмати

маълумотиغا қўра, Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг таърифи яратилди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фазис пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмин қилинмоқда, тағмин қилинмоқда, тағмин қилинмоқда.

Тошкент шаҳрида 4 ноябрь кунини ҳаво узғариш турари, ёлғир ёғини кузатилади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 5-7, кундузи — 10-12 даража кундузи бўлади.

Тошкент шаҳрида 4 ноябрь кунини ҳаво узғариш турари, ёлғир ёғини кузатилади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 5-7, кундузи — 10-12 даража кундузи бўлади.

Узидрометнинг мониторинг хизмати

маълумотиغا қўра, Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг таърифи яратилди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фазис пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмин қилинмоқда, тағмин қилинмоқда, тағмин қилинмоқда.

Тошкент шаҳрида 4 ноябрь кунини ҳаво узғариш турари, ёлғир ёғини кузатилади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 5-7, кундузи — 10-12 даража кундузи бўлади.

Тошкент шаҳрида 4 ноябрь кунини ҳаво узғариш турари, ёлғир ёғини кузатилади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 5-7, кундузи — 10-12 даража кундузи бўлади.

Узидрометнинг мониторинг хизмати

маълумотиغا қўра, Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг таърифи яратилди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фазис пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмин қилинмоқда, тағмин қилинмоқда, тағмин қилинмоқда.

Тошкент шаҳрида 4 ноябрь кунини ҳаво узғариш турари, ёлғир ёғини кузатилади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 5-7, кундузи — 10-12 даража кундузи бўлади.

Тошкент шаҳрида 4 ноябрь кунини ҳаво узғариш турари, ёлғир ёғини кузатилади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 5-7, кундузи — 10-12 даража кундузи бўлади.

Узидрометнинг мониторинг хизмати

маълумотиغا қўра, Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг таърифи яратилди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фазис пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмин қилинмоқда, тағмин қилинмоқда, тағмин қилинмоқда.

Тошкент шаҳрида 4 ноябрь кунини ҳаво узғариш турари, ёлғир ёғини кузатилади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 5-7, кундузи — 10-12 даража кундузи бўлади.

Тошкент шаҳрида 4 ноябрь кунини ҳаво узғариш турари, ёлғир ёғини кузатилади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 5-7, кундузи — 10-12 даража кундузи бўлади.